

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**120 Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909-3*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 февралдаги 21, 2009-10-сонли қарори (рўйхат рақами 1909, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 98-модда) билан тасдиқланган Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2014 йил 4 март,
19-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2014 йил 4 март,
2014-8-сон

Б. ПАРПИЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2014 йил 4 мартдаги 19,
2014-8-сонли қарорига
ИЛОВА

**Табий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг олтинчи хатбошисидаги «бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига» деган сўзлар «бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Илованинг 060-сатридаги «бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига» деган сўзлар «бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.